

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИДА СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11628030>

**Раматов Жуманиёз Султанович**

Тошкент давлат транспорт университети

Фалсафа фанлари доктори, профессор

e-mail: [jumanyoz@gmail.com](mailto:jumanyoz@gmail.com)

**Кушаков Файзулла Абдуллаевич.**

Тошкент давлат транспорт университети

e-mail: [kushakovfayzullo@gmail.com](mailto:kushakovfayzullo@gmail.com)

Телефон: +99897 777 25 83

### АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада жамият сиёсий ҳаётида ҳуқуқий маданиятни ўрни ва аҳамияти хусусида бир қатор қарааш ўрганиб чиқилди. Демократия тушиунчасини шарқ ва гарб талқинидаги фикрлар тахлил қилиниб, жамият ва давлатчилик муносабатларида демократик тамоилларни ўрни ўрганилди. Юртимизда мавжуд қонунчиликни шаклланишида сиёсий қараашлар тахлил қилинди.

**Калим сўзлар:** демократия, жамият, давлат, шахс, сиёсий фаолият, ҳуқуқий маданият, индувидуализм.

## РОЛЬ ПОЛИТИЧЕСКОЙ И ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ В РАЗВИТИИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье изучен ряд взглядов на роль и значение правовой культуры в политической жизни общества. Проанализированы восточные и западные трактовки понятия демократии, изучена роль демократических принципов в обществе и государственных отношениях. Проанализированы политические взгляды на формирование действующего законодательства в нашей стране.

**Ключевые слова:** демократия, общество, государство, личность, политическая деятельность, правовая культура, индивидуализм.

## THE ROLE OF POLITICAL AND LEGAL CULTURE IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY

### ABSTRACT

*This article examines a number of views on the role and importance of legal culture in the political life of society. Eastern and Western interpretations of the concept of democracy are analyzed, the role of democratic principles in society and state relations is studied. The political views on the formation of the current legislation in our country are analyzed.*

**Key words:** *democracy, society, state, person, political activity, legal culture, individualism.*

### КИРИШ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиши” деб номланган бешинчи устувор вазифасидаги 73-мақсадда, айнан, “Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чукур ўрганиш ва кенг тарғиб этиши” кўзда тутилган. Мазкур вазифа аждодларимизнинг бой маънавий меросини илмий жиҳатдан чукур тадқиқ қилиш ҳамда ўсиб келаётган ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишни назарда тутади.

Хозир кунда жаҳон сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Кўп қутбли дунёга айланиб бораётган дунёдаги сиёсий жараёнларнинг тез суръатларда ўзгариши мураккаб жараёнларнинг кетма-кетлиги ва сабаларини англашни бир мунча мураккаблаштиради. “Демократия” шиори остида вужудга келаётган қуролли низоларнинг замирида худудларни назоратини қўлдан чиқармаслик ётганини оддий фуқаролар теран англаб турибди. Фуқароларда сиёсий ва ҳуқуқий онгнинг шаклланиши ҳар қандай сиёсий жараёнларга объектив баҳо бериш имконини яратади.

Демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай мамлакатда сиёсий ва ҳуқуқий маданият савияси демократик давлатларга мос бўлиши лозим. Албатта Ўзбекистондаги сиёсий маданият савияси ғарб мамлакатларидан фарқ қиласиди. Юртимиздаги демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Ғарб намунаси эса кўп ҳолларда индувидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади.

Ўзига ҳос хусусиятлар, аньана ва тажрибаларга эга Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқидаги демократик қадриятлар Ғарб мамлакатларидағи қадриятларни йўқ қилишга қаратилган демократиядан тобора фарқланиб бормоқда. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Бизда демократик жараёнлар ҳалқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равища ривожланиши зарур. Аҳлоқий-маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик қилиши даркор.

Илмий-назарий адабиётларда баён қилинган фикрларни умумлаштириб, сиёсий маданиятга қуидагича таъриф бериш мумкин: у сиёсий тизим субъектлари бўлмиш сиёсий партиялар, бирлашмалар, жамоаларнинг давлат ҳокимиятини юргизишдаги иштироки чоғида, шунингдек, сиёсий муносабатларни тартибга солиш борасида қўллайдиган, таянадиган, риоя этадиган қадриятлар, сиёсий ғоялар, эътиқод ва рамзлар тизимиدير. Бундан ташқари, сиёсий маданият муайян миллат ёки ижтимоий жамоанинг сиёсат олами, сиёсий жараёнларни амалга оширишнинг қонун-қоидалари тўғрисидаги тасаввурлари мажмуи ҳамdir.

Ўзбекистонда шаклланган сиёсий маданиятнинг қуидаги умумий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- алоҳида олинган шахс манфаатларининг давлат ва жамият манфаатларига ҳамоҳанглиги;
- ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи ахамиятга молик роли эътироф этилиши;
- ҳокимиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиш аньanasининг мавжудлиги, раҳбарларнинг маънавий қиёфасига юксак талаб қўйиши;
- парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги ролига эътиборли муносабатнинг мавжудлиги;
- деярли барча сиёсий партиялар вакилларига ҳос бўлган ҳислат – ўз ғоя ва тамойилларининг тўғрилигига қатъий ишонч.

**МЕТОДЛАР.** Шахс – жамият – давлат тизимида манфаатларни уйғунлаштириш нафақат сиёсий жараёнларни уйғунлаштириш рационал бошқариш эҳтиёжидан, шу билан бирга, шарқона аҳлоқ-одоб ва демократия талабларидан ҳам келиб чиқади. Демократик тараққиётнинг манфаатлар ранг-баранглиги кенгайган шароитида уларни мутаносиблаштириш, уйғунлаштириш сиёсий фаолиятнинг бош вазифасига айланади. Алоҳида олинган ҳар бир шахс ва гуруҳнинг манфаатларни рад қилмаган ҳолда, уларни синтезлаш ва шу тариқа уйғунликка эришиш рационал усулини топмай, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди.

Фуқаролик жамиятида демократик тизимнинг мавжудлиги ва унинг мустаҳкамланиб бориши фуқароларда сиёсий-хуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий шартидир. Бундай сиёсий тизим шахс сиёсий-хуқуқий онги ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади, уни рағбатлантиради. Жамият сиёсий тизими қанчалик демократик бўлса, инсон сиёсий ҳаётда шунчалик фаол иштирок этади. Бу- аксиомадир.

Шахс – жамият – давлат тизимида ҳар бир бўғин манфаатлари бир даражада зарур бўлган воқеликдек туюлади, аслида эса, улар, қанчалик муҳим ўрин тутмасин, бўғиннинг ўз моҳиятидан келиб чиқади ва унинг субстанционал хусусиятини белгилаб беради. Шунинг учун манфаатлар қанчалик воқелик бўлмасин, улар бўғин моҳиятига субстанционал тарзда боғлиқдир. Индивид, груп ёки ҳалқ ҳокимиятчилиги билан боғлик субъектларнинг манфаатлари айнан бир хил бўла олмайди. Улар ўртасидаги фарқ нафақат бу тушунчаларнинг ўзида, балки уларнинг намоён бўлишида, таъсирида, қўлами ва даражасида ҳам кўринади. Бу фарқларни камайтиришнинг сиёсий, хуқуқий, психологик, иқтисодий, маънавий механизmlарини таҳлил этиш манфаатларга оид ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-сиёсий ва фалсафий-хуқуқий қарашларни кенгайтириш, мавжуд муаммоларни турли илмий воситалар, ёндашишлар нуқтаи назаридан ҳал этиш имконини беради.

Илмий-назарий адабиётларни, уларда баён этилган манфаатлар ҳақидаги фикрларни ўрганиш кўрсатадики, фуқаролик жамиятида ва демократик хуқуқий давлат қуришда манфаатлар фундаментал воқелик сифатида ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришига, бошқарув ишларининг йўналишига ва ҳокимият теварагидаги курашлар моҳиятига таъсир этиб, жамиятнинг сиёсий маданиятини ифода қиласи. Бироқ манфаатларни ижтимоий-сиёсий воқелик сифатида тадқиқ этиш, унинг миллий демократик тараққиёт шароитида намоён бўлиш хусусиятларини очиб бериш долзарб илмий муаммо бўлиб қолмоқда.

Сиёсий адабиётларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамиятнинг ролини тадқиқ этиш доим бош мавзу бўлиб келган, чунки ҳокимият сиёсатнинг юрагидир. Ҳокимият одамлар орасида буйруқ бериш ва бўйсуниш, амр этиш ва тобелик каби бир-бирига таъсир кўрсатишнинг алоҳида шакли сифатида инсон фаолиятининг ажralmas қисми ҳисобланади. Инсон фаолияти эса доим давлат ва жамиятни бошқариш ишларига бориб тақалади. Шу маънода, инсон фаолияти доимо у ёки бу даражада сиёсат билан боғлиқдир.

**НАТИЖА.** Сиёсий маданият бир томондан фуқароларнинг иккинчи томондан давлат идоралари ва жамият ташкилотлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг қонунга бўйсунишидан иборатдир.

Демак, биз барпо этаётган жамиятда нафақат аҳоли хуқуқий билимларининг ошиши, унинг онги юксалишига балки ҳокимиянинг барча тармоқлари нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий институтлари фаолиятининг самарадорлиги ортишига ҳам жиддий эътибор қаратилади.

Ижтимоий тараққиётга интилаётган, сиёсий ва иқтисодий ҳаёни еркинлаштириш йўлидан бораётган ҳар қандай жамият хуқуқий маданияти юксак, озод ва эркин шахсни тарбиялашга интилади. Зеро, шундагина демократия, фикр ва виждан еркинлиги, плюрализм ва инсон хуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаш тамойили жамият ҳаётининг асосий мезонига айланади. Чунки, демократия фақат ҳалқ ҳокимияти бўлиб қолмай, у айни пайтда, ҳар бир инсон, ҳар бир жамоа ва бутун ҳалқнинг ўз мамлакати келажаги, ўз тақдири олидаги маъсулияти ҳамdir.

Демократия ва сиёсий ҳаётни эркинлаштириш заруриятини аҳлоқратиядан (охлос-тўда, оломон), яъни, турли гуруҳларнинг сиёсий ўзбошимчалигидан, ҳокимият идораларига ноўрин талаблар қўйишидан, таъзик ўтказишидан фарқ қилиши лозим.

Бу ўз навбатида демократия, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш орқали фуқаролардан ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштиришни, юксак сиёсий маданиятга эга бўлишни талаб қиласди.

**МУНОЗАРА.** Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиздаги турли манфаатлар, қарама-қарши куч ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизми шакллантириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўп partiyaийлик тамойилини қарор топтириш миллий гоянинг сиёсий соҳадаги ўзига хос тамойилларини ифодалайди.

Бу нафақат инсон фаолиятига, шу билан бирга, шахс-жамият-давлат тизимидағи ижтимоий муносабатларга, улар туфайли демократик жамиятда пайдо бўладиган муаммолар ечимга тегишилдир. Сиёсий фаолиятнинг, сиёсий маданиятнинг моҳияти ҳам шу тизимга, унда кечадиган ижтимоий-сиёсий жарёнларга бориб тақалади. Бу жараёнларнинг ким (шахс, жамият, давлат) томонидан, қандай усуллар (авторитар, демократик ва бошқа) билан бошқарилишига қараб, жамиятнинг стратегик мақсадини, тараққиёт моделини аниқлаш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ижтимоий муаммоларни умухалқ манфаатлари нуқтаи назардан ҳал этувчи куч сифатида давлат ва жамият эътироф қилинар экан, демак мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти мана шу субъектларнинг барқарор институтларга айланишига, демократик тарққиётни таъминланишида уларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга деб хисоблаймиз.

## ҚЎЛЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ.

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси. “Ўзбекистон”, Тошкент, 2022 йил,
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-60 сонли Қарори. 2021 йил 24 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-61 сонли Қарори. 2021 йил 24 декабрь.
4. Ш.Мирзиев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 й.
5. Кушаков, Файзулла Абдуллаевич (2022). ТЕХНОЛОГИЯ ФАЛСАФАСИННИГ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10-2), 875-880.
6. Файзулла Абдуллаевич Кушаков (2022). ТЕХНИКАНИНГ ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (10), 365-371.
7. Файзулла Абдуллаевич Кушаков, & Қымбат Қанагатовна Назарова (2022). ТЕХНИКА ИНҚИЛОБИНИНГ ИНСОН ТАФАККУРИГА ТАЪСИРИ. Academic research in educational sciences, 3 (10), 360-364.
8. Файзулла Абдуллаевич Кушаков, & Бекслан Мирзараҳим Ўғли Хакимов (2022). ТЕХНИКА ФАЛСАФАСИНИ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3 (Special Issue 2), 172-177.
9. Кушаков, Ф. А. (2022). ТЕХНИКА КАК ФУНДАМЕНТАЛЬНОЕ ОТНОШЕНИЕ ЧЕЛОВЕКА К МИРУ. *World scientific research journal*, 10(1), 249-256.